# Ҳайрат ва ҳақиқат

(Боши 1-саҳифада)

– Ҳа, болам, бизда шундай одат бор. Йигитлар узоқ сафарга жўнаганларида, душман ёки йиртқич ҳайвонлар билан курашга отланганларида ота-оналари, хотинлари улар соғ-саломат, бешикаст қайтсинлар, деб нон тишлатиб қолганлар. Бобонг бундан 65 йил илгари урушга кетганда момонг яхши ният билан ана шу нонни тишлатиб қолган ва уни ҳамон ўлган ҳисобламайди, кутади, болам.

Ота-боболаримизнинг нонни улуғловчи урф-одатлари жуда кўп, болаларим. Ҳаммангиз кўргансизлар, туғилган бола бешикка белангандa унга инс-жинс зиён-заҳмат етказмасин, деб ёстиғи остига нон қўядилар. Янги тузиладиган оилаларнинг тўйлари ҳам икки қатлаб нон ушатиш билан бошланади. Ўғилларини ўзга юртга сафарга кузатган ота-боболар уларга оқ йўл тилаб, "бало-қазолардан сақласин", деган маънода уларнинг белларига нон туккanлар. Чавандозлар ҳам улоқ-кўпкари олдидан мадад бўлсин, деб белларига нон тугиб олганлар. Келин-куёвлар ҳам нон билан кузатилган. Тўйларда кўргансизлар, биринчи бўлиб дастурхондаги нон ушатилади. Уйга келган меҳмон олдига ҳам аввало нон қўйилади.

Қай бирини айтай, болаларим, халқимиз ҳамиша нонни кўзига суртган, эъзозлаган. Зеро, нон инсонлар учун яратилган улуғ неъмат. У деҳқоннинг заҳматли меҳнати, беҳисоб давлат маблағлари ҳисобига етиштирилади.

## Тўрваси йўқ тиланчи

Ўтган йили Рамазон кунларининг бирида шундай воқеа бўлиб ўтди. Эшикка тиланчи келиб, Рамазон ойларида қилинган садақа юз карра савоб келтириши ҳақида узоқ гапирди. Онамиз: "Бу улуғ ойда ким нимаики сўраса, ноумид қилманглар, болам", деб қайта-қайта тайинларганлар. Шунга амал қилиб набирамиз онаси берган яримта бўрсилдоқ нонни кўтариб, дарвоза томон чопди.

Нима бўлди денг? Ҳалиги тиланчи: "Идишим йўқ, пул беринглар", деб нонни олмасдан қайтарди. Буни кўриб чидай олмадим, унинг ҳузурига чиқдим. Соқолини ҳисобга олмаганда, ўғлим тенги йигит. Қаттиқроқ гапирай дедим-у рўзадорлигим боис шайтонга ҳай бердим.

– Нонни нега олмайсан, болам? – дедим бир оз зарда билан. – Ахир гадой дегани хонадонларга нон сўраб келмайдими?

– Шундай-ку, отахон, солишга идишим йўқ. Пул берсалар енгилроқ-да.

– Нон оғирлик қиладими сенга? Муҳтожлигинг йўқ-да. Нон олмасанг, яхшиси, гадойлик қилма.

Сўзларим унга қай даражада таъсир қилди билмадим-у, озор бердимми, деб ўзим анча кунлар безовталаниб юрдим.

## Қувонч ва ўкинч

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан унни қўшимча моддалар билан бойитиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу борада миллий дастур қабул қилинганлиги нон миллатнинг соғлом келажагини яратиш йўлида хизмат қилаётганлигидан далолат эмасми?!

Кўплар "Бу йил деҳқоннинг йили келди", дейишади. Аслида ғаллакорларимиз кўрсатаётган жасорат чакки бўлмаяпти. "Ер боққанга хазина тўла сандиғи"ни очиши ҳам бор гап. Бу йил биргина қашқадарёликлар уйган ғалла хирмони 700 минг тоннадан ошди. Унинг 375 минг тоннаси давлат тайёрлов идораларига топширилди. Энди деҳқон омборига тўкилган ғаллани тасаввур қилиб кўринг. Ҳаммаёқ ғаллага тўлган, фермернинг ошиғи олчи. Шундай бўлгач, у бойимасдан ким бойисин, у қувонмасдан ким қувонсин?

Энди минг машаққат билан етиштирилган ғалламиз қадри, уни исроф қилмасдан сарфлаш ҳақида. Айбга буюрмайсиз, бу борада ўкинчимиз бор. Ҳамма ерда ҳам деҳқон меҳнати эъзозланаяпти, ноннинг қадрига етилаяпти, у сира исроф этилмаяпти, дея олмаймиз. "Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар", дейилади улуғ китобимиз Қуръони Каримда. Тўйларни, ўтаётган маъракаларни кузатинг, озмунча нон исроф қилинаяптими? Ҳар меҳмон ташриф буюрганда дастурхонда сон-саноқсиз нон бўлаклари бўла туриб, "иссиғидан олинг" деб бутун нон ушатилади.

Ҳали ҳам нонни молга бериш, ахлатхоналарга ташлаш ҳолатлари учраб турибди. Бу ўта ношукрлик, тўқликка – шўхлик. Бу "қилиқларимиз"ни ўғил-қизларимиз кўриб туришибди. "Қуш уясида кўрганини қилади" дегандларидек, эртага уларнинг "қилиқларини" катталар такрорламаслигига ким кафолат беради? Ноннинг бирор бурдасини ҳам исроф қилишга ҳаққимиз йўқ. Негаки, у дунёда энг азиз неъмат, тириклигимиз асоси, дастурхонимиз файзидир.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ**

# Бойитилган ун

## у ҳақда биласизми?

***Сўнгги йилларда камқонлик касаллиги ёш болалар ва аёлларда тез-тез учраб турибди. Ҳаттоки, баъзи чақалоқлар шу касаллик билан туғилмоқда. Сабаби эса кундай равшан. Буларнинг барчаси темир моддаси танқислиги туфайли юзага келяпти. Таркибида темир моддаси бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари олма, беҳи, нок, хурмо, балиқ ва шу каби қон таркибини оширувчи бошқа ширинликлар бозор расталарию дўконларда бисёр.***

Аммо бу озуқа моддалари фарзандингизни ёхуд касалликдан шикоят қилаётган беморни анемиядан бирдан халос этолмайди. Қолаверса, бу маҳсулотларни барча бирдек кундалик истеъмол қилолмайди. Унинг олдини олишнинг бир қанча чоралари ҳам ўйлаб топилмоқда. Жумладан, қон таркибини кўпайтирувчи турли хил витамин ва суюқ дорилар ишлаб чиқарилган. Бироқ буларнинг ҳеч бири касалликка буткул барҳам беролмайди. Фойда бериши учун ойлаб, йиллаб ичиб юрилса, инсон организми янги бир "дорихона"ни кашф этиши турган гап.



Касалликлар хавфини камайтириш ва ҳар томонлама соғлом, бақувват фарзандларни камол топтириш долзарб вазифалардан бири. Шу боис, ҳукуматимиз ташаббуси билан мамлакатимизда камқонлик касаллигини бартараф этувчи бойитилган ун ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Бойитилган унни тайёрлаш жараёнида унинг таркибига нафақат темир моддаси, қолаверса, фолий кислотаси, $B_1$, $B_2$ ва бошқа зарур витаминлар қўшилади ҳамда ун шу тарзда бойитилади. Ундан тайёрланадиган нон ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари айрим дўконларда сотувга чиқарилган. Аҳолининг кўпчилик қисми уларнинг фарқини, қай бири кўпроқ фойдали эканлигини билмайди. Ҳатто, сотувчилар ҳам бу ҳақда маълумот беришга тайёр эмас. Чунки ундан кўпчилик бехабар. Маҳсулот ҳар жиҳатдан талабга жавоб берадиган сифатли бўлмасин, у оммага тарғиб қилинмаса, аҳоли хабарсиз қолаверади. Оддий мисол. Бундан икки кун аввал пойтахтимизда жойлашган минимаркетлардан бирига кирсам бир онахон нон харид қилаётган экан. Уч қатор қилиб териб қўйилган нонлар деярли бир хил. Сотувчи харидорга "Мана бу бойитилган ундан тайёрланган нондан олиб кетинг, жуда фойдали" деб иккитасини тутқазса, онахон: "Эй, болам, нима фарқи бор, ҳаммасиям бир нон-да, мен унинг фойдасини қаердан биламан", деди.

Ажаб, телеэкранда сериал бошланди дегунча турфа хил дорилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи рекламалар ҳам тайёр туради. Бетоқатланган томошабин уни кўришга мажбур. Тағин уларнинг кўпи саёз ишланган. Анемиянинг инсон ҳаётига қанчалик хавф солиши, унга қарши курашувчи бойитилган ун тўғрисидаги маълумотлар ҳам телерекламалар "шода"сидан ўрин олса нур устига аъло нур бўлар эди.

**Дилафруз ТЎРАҚУЛОВА**

Жараён

***Кундалик ҳаётимизнинг асосий қисми хизмат жойимизда ўтади. Зеро, ишхонадаги саранжом-саришталик кун бўйи амалга ошириладиган юмушларнинг унумли бўлишига хизмат қилади. Самарқанд шаҳридаги иккиламчи қора металл шўъба корхонасига кириб борганимизда маъмурият биносининг дид билан таъмирланганлиги, ҳовлига экилган турфа хил гуллар, эрталабданоқ кўчага сув сепилганлиги кишининг баҳри дилини очиб юборди. Ҳовлидан кенг ҳудудга ўтиб, теварак-атрофни кўздан кечирамиз. Бу ердаги тартиб ҳам хурсанд қилди.***

# Қанча кўп бўлса, шунча соз

**Самарқанд иккиламчи қора металл шўъба корхонаси жамоасининг аҳди шундай**



Иш жараёнида темир-терсак уюмларидан металл парчалари кесиб олингач, вагонга жойлаштирилиб, Бекободдаги заводга жўнатилади. Корхона раҳбари Абдумалик Абдусаидов билан танишдик. У қуйидагиларни ҳикоя қилди:

– Жамоамиз вилоятдаги 8 та тумандан металл парчаларини қабул қилади. Бир ойда ўртача 1800 тонна, йил давомида эса 21,5 минг тонна атрофида қимматбаҳо хом ашё йиғамиз. Бу йил кўрсаткичимиз 21 минг 600 тонна бўлиши кутилаяпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 17 минг 50 тонна металл йиғиб топширилди.

— Металл парчаларини тайёрлаб, заводга узлуксиз жўнатишда кўп сонли ишчиларимизнинг заҳматли меҳнати бор. Узоқ йиллик тажриба, билимга эга бўлган Ориф Холмуродов, Учқун Назаров, Мансур Элмуродов, Наим Шодиев каби соҳа жонкуярлари ишимизнинг унумли бўлишига доимо камарбаста, – дейди корхона бош муҳандиси Абдужалил Раҳимов. – Вилоят ҳудуди катта. Ана шуни инобатга олиб олис туманларда ҳам металл парчаларини ўз вақтида жамлаб, бу ерга етказишда жойлардаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда минтақадаги Самарқанд кимё заводи, "Самарқанддон", "Жомбойдон" ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар, ўқув юртлари бошқармаси ва бир қатор соғлиқни сақлаш муассасалари ўз вақтида металл топширишиб, режани бажармоқдалар.

Корхона жамоасининг ижтимоий ҳимоя йилидаги ёрдамлари доимий равишда ташкил қилинган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 308-сонли қарорига кўра иккита кам таъминланган оилага соғин сигирлар олиб берилди.

Кундалик ҳаётимизда металл парчалари қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамиша ҳам сезавермаймиз. Аслида, металл мамлакат равнақи ва иқтисодий салоҳияти учун энг керакли хом ашёдир. Бу борада жамоатчиликнинг якдил ҳаракати ушбу мақсадларни амалга оширишда энг катта кўмак бўлади.

–Бўлимимиз асосан туманларда қора металл йиғилиши, бу борадаги режаларнинг доимий бажарилишини назорат қилиш билан шуғулланади, – дейди корхона тайёрлов бўлими муҳандиси Олимжон Пўлатов. – Бир кунлик узилиш бир ҳафталик ёки бир ойлик режага таъсир қилиши мумкин. Бу борада жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари бизга асосий кўмакчи бўлаяпти. Қолаверса, ишимизда тарғибот-ташвиқотнинг ҳам ўрни жуда катта. Яқинда бир нечта туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда хом ашёнинг аҳамияти хусусида тушунтириш ишларини олиб бордик.

Корхона тайёрлов бўлими бошлиғи Шуҳрат Тонгатовнинг эътироф этишича, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 49-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида жамоада жудаям кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мақсад битта. У ҳам бўлса металл парчаларини ўз вақтида йиғиштириб топширишдир. Ана шунда қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқонларимизга жудаям асқотадиган техника воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёж имкон қадар тўлароқ қондирилади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори биз учун дастуриламал вазифасини бажарувчи муҳим ҳужжат, – деди суҳбатимиз поёнида мазкур корхона директори Абдумалик Абдусаидов. – Қарорда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда йиғиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Шу боис, прокат-қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ишларни янада кучайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Тасарруфимизда етарли техника воситалари бор. Қолаверса, уларни таъмирлаш учун устахонамиз ҳам мавжуд. Режаларимиз эса бир дунё. Албатта, уларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳар бир ходимимиздан ғайрат ва шижоат талаб қилинади.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
***Самарқанд вилояти***

**Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган "Олий таълимда сифатни таъминлаш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.**

# Халқаро ҳамкорлик

Ушбу анжуман ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилиб, унда Халқаро Темпус дастурининг Ўзбекистондаги миллий офиси, Германиянинг Техник Ҳамкорлик жамияти, Британия кенгаши, Голландиянинг Вагенинген, Германиянинг Вайенштефан амалий фан университетлари ҳам иштирок этди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги ислоҳот натижалари ҳамда таълимни мукаммаллаштириш, унинг сифатини яхшилаш йўллари муҳокама қилиниб, иштирок этаётган 14 та давлат вакиллари ўртасида Олий таълимда сифатни таъминлаш, соҳада халқаро ҳамкорлик самараси, олий ўқув юртларининг битирувчилар билан ўзаро алоқасини ривожлантириш масалалари бўйича музокаралар ҳам олиб борилди.

**Б.СУЛТОНОВА**

# Ҳисоботлар ихчамлашгандан сўнг

## бизнес ва тадбиркорлик тизимида самарадорлик ошмоқда

***Юртбошимизнинг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарори кичик бизнес, тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар манфаатларига хизмат қилмоқда. Эндиликда ҳисоботларни топшириш муддатлари узайтирилиши ҳисобига ортиқча оворагарчиликлар барҳам топди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 6850 нафар тадбиркорларга 7364,4 миллион сўм солиқ имтиёзлари қўлланилди. Пахта, ғалла, мева-сабзавотчилик ва узумчилик фаолиятини амалга оширувчи 4488 фермер хўжаликларига ягона ер солиғи бўйича 1400,5 миллион сўм миқдорида имтиёз берилди.***

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ойлик ҳисоб-китоблар тақдим этишдан чораклик ҳисоб-китоблар тақдим этиш тартибига ўтказилиши бир томондан ҳисоботлар ҳажмининг камайишига олиб келган бўлса, иккинчидан улар асосий вақтини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш имконияти туғилди. Мазкур қарор солиқ идоралари ходимлари учун ҳам манфаатлидир. Чунки ҳисобот шўъбаларидагилар энди асосий вақтини ортиқча қоғозбозликларга сарфламасдан тадбиркорлар билан яқиндан мулоқот қилишга, амалдаги қонунлар доирасида етарлича шароитлар яратиб беришга ҳамда солиқ қонунчилигига киритилаётган барча ўзгаришларни уларга мукаммал тушунтиришга қаратадиган бўлишди.

Шу ўринда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имконият ва қўлланилаётган имтиёзлар самараси қандай, деган савол туғилиши табиий. Бу борада вилоятнинг барча шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларидаги ҳисоботларни қабул қилиш шўъбалари фаолияти

Қарор ва ижро

таҳлил қилиб чиқилди. Натижалар чакки эмас, бироқ баъзи жуъзий камчиликлар ҳам бор. Масалан, ҳисоботларни ихчамлаштириш юзасидан ҳукуматимиз бир қатор имтиёзлар яратиб беришига қарамай ҳамон масъулиятни ҳис қилмаётганлар учраб турибди.

Айтайлик, шу кунгача 13081 фермер хўжаликлари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг аксарияти бизнес режасиз фаолият юритаётганликлари қайд этилди. Таҳлил давомида ҳисобот шаклларини тўлдириш жараёнидаги хато ва камчиликлар, пилла ва ғалла маҳсулотларини сотишдан олинган тушумларни ўз муддатида ҳисоботларда акс эттирмаслик каби ҳолатлар ҳам аниқланди.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида бошқарма мутахассислари томонидан ҳудудий солиқ идоралари ходимлари ва фермер хўжаликлари ҳисобчилари учун қўлланма ишлаб чиқди. Унда фермер хўжаликлари тўлайдиган солиқлар ва мажбурий тўловлар тизими, ҳисоблаш услублари, йўл-йўриқлари, ҳисоб-китоб шакллари ва уни тўлдириш тартиблари аниқ баён қилиб берилди. Аввал минтақавий, сўнг барча туманларда давлат солиқ, статистика, молия идоралари ва фермер хўжаликлари бош ҳисобчилари иштирокида кўргазмали семинар йиғилишлари ташкил этилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг иқтисодиётдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, ялпи ички маҳсулот қиймати 2000 йили 163,1 миллиард сўмни ташкил қилгани ҳолда, 2007 йилнинг 6 ойида 361,9 миллиард сўмга етди. Шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулоти 2000 йили 15,8 миллиард сўмни ва 2007 йилнинг 6 ойида 198 миллиард сўмни ёки уларнинг халқ хўжалигидаги улуши 2000 йили 9,7 фоизни ва жорий йилнинг 6 ойида эса 54,7 фоизни ташкил қилди. Бу рақамлар замирида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларга мувофиқ олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси мужассам. Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар зиммасига тўғри келаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, улар томонидан юритилаётган ҳисоботлар тизимининг такомиллаштирилиши, асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилиши иқтисодни янада ривожланишига замин яратади.

**Р.ҚЎЧҚОРОВ,**
**Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**



"Аму-Бухоро" ҳавза бошқармасига қарашли "Харҳур-Дуоба" туманлараро ирригация тизимида куз ва қишки агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тизимга қарашли техника воситалари айни кунда хўжаликлараро ва ички зовурларни тозалаш ишларига жалб этилган.

**СУРАТДА:** ака-ука экскаваторчилар Хуршид ва Жамшид Сайфиддиновлар ҳар куни 300-400 метр узунликдаги зовурларни тозалаб, юқори натижаларга эришишмоқда.

**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**
***Бухоро вилояти***

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ "Беларус" ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларини таклиф этади.



KAMMAZ ARSENAL
Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўчаси, 11.
Тел: 281-40-33, 281-40-90, 281-40-75

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**қуйидаги объектларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Ўрта Чирчиқ тумани Йўнғичқалъа қишлоғидаги 296 ўқувчи ўринли 59-мактаб қурилиши; қурилиш ишларини тугатилиш муддати 1 август 2008 йил.
2. Бўка тумани "Равот" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 400 ўқувчи ўринли 10-мактаб капитал реконструкцияси;
3. Янгийўл тумани "Қўшёғоч" фермер хўжаликлари уюшмасидаги 260 ўқувчи ўринли 49-мактаб капитал реконструкцияси; қурилиш ишларини тугатилиш муддати 1 июль 2008 йил.

**Қурилиш ишлари:** Бюджетдан ташқари мактаб фонди ҳисобидан молиялаштирилади.
**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент вилояти "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси.
**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 75-уй, телефон/факс: (8371) 281-37-10/11.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг "Тошконсалтингстройторг" давлат унитар корхонаси – қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 77, тел./факс: 55-50-51.**

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соатигача.

**Таклифлар (офёрталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.**

Интилиш

# Касби бозори обод бўлди

***Бозорлар – юрт кўрки, тўкинлик рамзи. Жойлардаги деҳқон бозорлари жамоалари талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда иш тутиб, ўз омборхоналарига полиз, сабзавот маҳсулотлари жамғармоқдалар. Айниқса, бу соҳада "Касби бозори" МЧЖда бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Тумандаги деҳқон хўжаликлари ва фермерлар билан шартнома тузилиб, қишга етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ғамланмоқда. Ҳозиргача 60 тонна сабзи, 30 тонна картошка, 80 тонна пиёз, 10 тонна тарвуз захираси яратилди.***

–Бозорни обод қилишга эътибор кучайтирилди, – дейди жамият раиси Рўзибой Қўлдошев. –Хусусий тадбиркор – дўкондорлар томонидан 250 миллион, ўз кучимиз билан эса 30 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардик. Барча савдо дўконларига замонавий эшик-ромлар ўрнатилиб, пештоқлари "Аликабон" материаллари билан бир хилда жиҳозланди. Катта-кичик гўшт дўконлари умумлаштирилиб, махсус павильон ташкил этилди. Барча савдо расталари қайта таъмирланди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи фермерлар учун махсус жой тайёрланди. Бозор маъмурияти билан юзга яқин фермер шартномалар тузган.

Бозорда сотувчи ва харидор учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун расталар тўлиқ таъмирланиб, 46 та қўшимча савдо ўрни ташкил қилинди. Ичимлик суви тармоғи янгиланди. Санитария-гигиена ҳолати мутаносиблигини таъмирлаш учун туман коммунал бошқармаси билан шартнома асосида иш олиб борилмоқда.

–Қиш ойларида бозор ҳудудида қор ва ёмғир сувлари тўпланиб қолиши доимо муаммо келтириб чиқарарди, – дея сўзида давом этди Р.Қўлдошев. – Буни бартараф этиш учун 300 метрдан зиёд лотоклар ётқизилди.

Омборхоналарга жамғарилган захира маҳсулотлар рақобатни юзага келтириб, нарх-навога ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**
***Қашқадарё вилояти***

